

ПАСТЕРНАК НАВ НАМУНАЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Хатамов Шахзод Дониёр ўғли

таянч докторант

Иброҳимов Баҳодир Акмал ўғли

қ.х.ф.д., к.и.х

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17918654>

Аннотация. Ушбу мақолада пастернак ўсимлигини 2023-2025 йилларда олиб борилган тадқиқот пастернак илдизмеваси ҳосилдорлиги бўйича маълумотлар келтирилган.

Аннотация. В статье представлены данные по урожайности корнеплодов пастернака, полученные в ходе исследований, проведенных в 2023–2025 годах.

Annotation This article presents data on the yield of parsnip root crops from a study conducted in 2023-2025.

Калит сўзлар: Нав намуналари пастернак илдизмева вазни ҳосилдорлик курсаткичлари.

Ключевые слова: сортообразцы, масса корнеплодов пастернака, показатели урожайности.

Key words: Varietal samples, parsnip root weight, yield indicators.

Кириш. Аҳолининг барқарор озиқ-овқат таъминотини йўлга қўйиш, агросаноат мажмуасининг хом-ашё базасини кенгайтириш ва рақобатбардош маҳсулотлар экспортини ошириш Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги сиёсатида устувор вазифалардан ҳисобланади. Сабзавотчилик тармоғида маҳаллий бозор талабларига мос маҳсулот етказиб бериш билан бир қаторда, ташқи бозор учун юқори қийматли, биокимёвий жиҳатдан бой экин турларини танлаш муҳим аҳамият касб этади.

Пастернак (*Pastinaca sativa* L.) - зирадошлар (Apiaceae) оиласига мансуб, асосан илдизмеваси учун етиштирилувчи икки йиллик сабзавотдир. Унинг илдизи озиқ-сифат ва доривор жиҳатдан қимматли аҳамиятга эга бўлган тур сифатида ўрганилган [1; 5-9-б.].

Пастернак (*Pastinaca sativa* L.)ни мамлакатимизда етиштириш бўйича фундаментал тадқиқотлар кам олиб борилган ва илмий асосланган тавсиялар ҳануз етарли эмас. Шу боис, ушбу турнинг тупроқ-иқлим шароитига мос серхосил нав ва дурагайлари танлаш, уларни етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш, озуқавий ва доривор хусусиятларини ўрганиш, фермер хўжаликлари ва аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Сабзавотлар инсон саломатлиги ва соғлом турмуш тарзи учун беқиёс аҳамиятга эга. Уларда организмнинг нормал ривожланиши ва физиологик функциялари учун зарур бўлган витаминлар, ферментлар, оқсиллар, углеводлар ва минерал элементлар етарли миқдорда мавжуд [86; 96-б.].

Илдизмева одатда цилиндрик ёки конуссимон шаклда бўлиб, узунлиги 8-30 см, диаметри 2-7 см гача бўлиши мумкин; туксимон ва крем-оқ ёки оч сариқ рангларда учрайди [3; 34-38-б.; 4; 22-25-б.].

Пастернак иқлимга нисбатан нисбатан маълум даражада мослашувчан: у салқин ёмғирли, мўтадил-континентал ва баъзи субтропик шароитларда етиштирилади; барқарор намликни талаб қилса-да, баъзи экотиплар қисқа қурғокчиликка чидамли

ҳисобланади [15; 110-115-б.; 16; 88-94-б.]. Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароити турли хил сабзавот ва полиз экинларини кенг миқёсда етиштириш учун қулай агроэкологик замин яратади. Мавжуд тупроқ-иқлим омиллари, қуёшли кунларнинг кўплиги, сув ресурслари ва агроэкологик зоналарнинг хилма-хиллиги сабабли республика ҳудудида сабзавот экинларининг деярли барча асосий турлари барқарор ўсади ва юқори ҳосил беради. Айниқса, илдизмевали сабзавотларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳолининг соғлом овқатланишида тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эга [110; 210-б.].

2023-2025 йилларда ўрганилган пастернак нав намуналарининг илдизмева ҳосил элементлари таҳлили уларнинг маҳсулдорлик салоҳияти кескин фарқланишини кўрсатди. 1 дона илдизмева вазни 64 г дан 126 г гача ўзгариб, минимал ва максимал кўрсаткичлар орасида 1,97 баробар фарқ аниқланди. Навларнинг ўртача кўрсаткичи 93,7 г бўлган бўлса, “Студент” ва “Круглий” навларида ушбу кўрсаткич мос равишда 126 г ва 121 г ни ташкил этиб, жуда юқори биомасса тўплаш қобилияти қайд этилди. “Кулинар” навининг ҳам 1 дона вазни 116 г га етгани илдизмевада ўртача кўринишда бўлганини билдиради. Бундан фарқли ўлароқ, “Сердечко” ва “Персил” навларида илдизмева вазни 64-67 г атрофида сақланиб, маҳсулдорлик имконияти паст эканлиги намоён бўлди.

Ҳосилдорлик кўрсаткичлари гектар ҳисобида 17,9 т/га дан 35,2 т/га гача ўзгариб, ўртача 26,1 т/га ни ташкил этди. “Студент” навида ҳосилдорлик 35,2 т/га даражасида қайд этилиб, барча навлар ичида энг юқори самарадорликни кўрсатди. Ундан кейинги ўринларни “Круглий” (33,8 т/га) ва “Кулинар” (32,4 т/га) навлари эгаллади.

1-жадвал. Навларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари (2023-2025 йй.).

№	Нав намуналари	1 дона илдизмева вазни, гр.	Ҳосилдорлик кг/м ²	Ўртачага нисбатан %	Ҳосилдорлик т/га	Ўртачага нисбатан %
1	“Кулинар”	116	3,24	123,8	32,4	124,1
2	“Аист”	88	2,46	93,9	24,6	94,3
3	“Персил”	67	1,87	71,5	18,7	71,6
4	“Лучший из всех”	95	2,66	101,4	26,6	101,9
5	“Белый”	91	2,54	97,1	25,4	97,3
6	“Геракл”	98	2,74	104,6	27,4	105,0
7	“Студент”	126	3,52	134,5	35,2	134,9
8	“Сердечко”	64	1,79	68,3	17,9	68,6
9	“Жемчуг”	71	1,98	75,8	19,8	75,9
10	“Круглий”	121	3,38	129,1	33,8	129,5
Ўртача		93,7	2,61	100	26,1	100
ЭКМФ _{05 т/га}					3,10	
S _х ,%					2,32	

Бу навларда юқори ҳосил асосан 1 дона вазнининг катталиги ва илдизмева сифатининг яхши шаклланиши билан боғлиқ эканлиги таъкидланади. “Белий”, “Лучший из всех”, “Геракл” ва “Оқ лайлак” навлари ўртача даражадаги ҳосил (24,6-27,4 т/га) берган бўлиб, улар маҳсулдорлик потенциали жиҳатдан барқарор навлар қаторига кирди. Паст самарадорлик “Сердечко” (17,9 т/га) ва “Жемчуг” (19,8 т/га) навларига хос бўлиб, бу кўрсаткичлар уларнинг агротехник чора-тадбирларга талабчанлигини англатади.

Тажриба олиб борилган нав намуналарининг умумий ҳосилдорлигидаги ЭКМТ₀₅ кўрсаткичлари қуйидагича бўлди: 3,10 т/га ҳамда тажрибаларнинг аниқлиги мос равишда $S_x = 2,32\%$ бўлди

Умуман олганда, пастернак навларининг маҳсулдорликка доир кўрсаткичлари қуйидаги илмий хулосаларни шакллантириш имконини берди:

1. “Студент”, “Круглий” ва “Кулинар” навлари юқори иқтисодий самарадорликни таъминлаш салоҳиятига эга бўлиб, интенсив технологиялар учун энг мақбул навлар ҳисобланади.
2. “Белий”, “Лучший из всех”, “Геракл”, “Оқ лайлак” навларида ҳосилдорлик ўртача даражада барқарор бўлиб, турли агроиклим шароитларида ишончли натижа бериши кутилмоқда.
3. “Сердечко”, “Персил” ва “Жемчуг” навлари ҳосилдорлиги паст эканлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни фақатгина қўшимча агротехник тадбирлар кучайтирилган шароитда синалиши мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, навлар орасида маҳсулдорлик кўрсаткичлари жуда катта фарқланиши пастернакда селекция ишларини самарали йўлга қўйиш ва юқори ҳосилли навларни яратиш учун катта имконият мавжудлигини кўрсатади. Маҳаллий шароитда “Студент”, “Круглий” ва “Кулинар” навларининг юқори самарадорлиги уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва кейинги илмий тадқиқотларда базавий материал сифатида тавсия этиш имконини беради.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Zhang Y., Liu X. *Drought tolerance in root vegetables*. - Chinese J. Plant Sci., 2021;12(3):88-100.
2. Simlat M., Kowalczyk S. *Morphology and anatomy of Pastinaca sativa L.* - Warsaw: Botanical Studies, 2020. - 95 p.
3. Okubo H. *Root vegetables biochemistry*. - Tokyo: AgriPress, 2014. - 156 p.
4. Brown R., Smith L. *Root Crops in temperate agriculture*. - Cambridge: Agronomy Press, 2013. - 224 p.15
5. Ahmed S., Khan R. *Integrative taxonomy: morphology and molecular data*. - Syst. Bot., 2018;43(1):33-39.21
6. Alibekov, T.J. Use of resource-saving technologies in the cultivation of white cabbage. - *Web of Scholars Journal*, 2023. - Vol. 5, No. 2. - P. 102-107.88
7. Baleev D.N., Bukharov A.F., Ivanova M.I. // FEATURES OF THE SEED DORMANCY IN UMBELLIFER CROPS CAUSED BY VARIOUS FACTORS // Vegetable crops of Russia. - 2017. - №4. - P. 80-84. (In Russ.).53